



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 86 (13.683)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ БОШ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ, ПРЕЗИДЕНТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 май куни мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазир шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаённи қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида турли даражадаги алоқалар фаоллашгани, барча соҳалардаги икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганини мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда икки томонлама амалий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, жумладан, Амирликлар инвесторларини мамлакатимиздаги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга кенг жалб этиш, уларнинг фаолиятини тизимли равишда ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Бу борада нефть-газ, кимё, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, логистика, туризм, шаҳарсозлик ва бошқа қатор соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишди олинди.

Ўз навбатида, шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён давлатимиз раҳбари

Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаённинг юксак ҳурмати ва эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда меҳмон жорий йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференцияда Ўзбекистон илгари сурган ташаббуслар ҳамда Ислоом ҳамкорлик ташкилоти доирасида билдирган таклифларни Амирликлар ҳукумати тўлиқ қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Шунингдек, шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, аниқ истиқболли инвестицион лойиҳаларни ҳаётга тўла татбиқ этишга тайёр эканини қайд этди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ВА ОЗИҚ- ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳасида назорат тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон "Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) ташкил этилганлиги;

2018 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси, Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси, Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси, "Ўзсувназорат" республика сув инспекцияси, "Ўздавуруғназоратмарказ" қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини серти-

фикациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази тугатилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2018 йил 1 августдан "Ўзстандарт" агентлигининг "Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаш "Сифат" маркази" давлат корхонаси тугатилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки: Инспекция тугатилаётган ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади; тугатилаётган ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалари, функциялари ва ваколатлари Инспекцияга ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тугатилаётган ташкилотлар ходимларининг ишга жойлаштирилишини таъминлашга кўмаклашсин.

4. Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши ҳолати; пахта ва дон экинларининг уруғларини давлат томонидан бюртма қилиш, тайёрлаш, алоҳида қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича талабларга риоя қилиниши;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини давлат бюртмасининг режали амалга оширилишига мувофиқ ҳажмларда шакллантириш бўйича талаблар бажарилиши;

дон экинлари, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотлар давлат ресурсларининг сифати, улардан оқилонга ҳамда мақсадли фойдаланилиши, уларнинг сифатли сақланиши ҳамда нобудгарчилиги камайтирилиши таъминланиши;

қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлари сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни сертификатлаш, уруғ ҳамда қўчат материалларининг сифатини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича ишларнинг амалга оширилиши;

қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилонга фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, Инспекция зиммасига юклатилган вазифалар доирасида айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш орқали қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилиши;

(Давоми 3-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА СОҲАЛАРИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, мамлакатда қисқа муддатда инновацияга йўналтирилган иқтисодий шакллантиришга ва инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Республикани инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ташкил этилганлиги, унинг ҳузурида Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоҳларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилганлиги мазкур йўналишдаги муҳим босқичлардан бири бўлди.

Шу билан бирга, илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизmlарини йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда, уларга, авваламбор:

**Биринчидан**, олий таълим муассасалари илмий ишлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичларининг пастилиги ҳамда қониқарсизлиги;

**Иккинчидан**, инновацион жараёнларни рағбатлантириш, ҳудудлар ва тармоқлар даражасида инновацион ривожланиш ва инновацион фаоллик комплекс дастурларини амалга ошириш, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизmlари мавжуд эмаслиги;

**Учинчидан**, хусусий сектор вакилларининг инновацион фаолиятга, жумладан, уларнинг манфаатдорли-

ги пастилиги сабабли етарли даражада жалб қилинмаслиги;

**Тўртинчидан**, давлат илмий-техник дастурлари доирасида грантларни тақсимлаш ва улардан оқилонга фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларнинг мавжуд эмаслиги;

**Бешинчидан**, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва инвестициялар жалб этиш даражасининг қониқарсизлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Инновация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизmlарини тубдан такомиллаштириш, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни янада самарали жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясининг:

олий таълим муассасаларида илмий ишлар бўйича проректор лавозими ўрнига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини бир вақтда тегишли йўналишдаги олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори лавозимларига тайинлаш;

олий таълим муассасалари тузилмасида инновацион жамғармалар ва илмий-инновацион ишланмаларни

тижоратлаштириш бўйича бўлинмалар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилдиган қўшимча 10 та штат бирлигини ажратган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасида Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини (кейинги ўринларда илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари деб юритилади) лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари инновация фаолиятига оид масалалар, илмий-инновацион ишланмаларни жорий этиш ва тижоратлаштириш натижалари бўйича бевосита Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳисобдордир;

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигининг барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, инновацион гоҳ ва технологияларни жорий этишга, фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари мамлакатда фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга тўсиқлик қилувчи, жумладан, қуйидаги қатор тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат беради:

**Биринчидан**, ҳудудларнинг мавжуд ресурс базаси ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда илғор ва замонавий инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартлаплар ва инновациялар бозорини тизимли таҳлил қилиш йўлга қўйилмагани;

**Иккинчидан**, инновацион лойиҳалар-стартлапларга инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасига инновацияларни фаол жорий қилувчи иқтидорли тадбиркорлар фаолиятига кўмаклашиш ва мувофиқлаштириш ишлари лозим даражада амалга оширилмагани;

**Учинчидан**, инновацион ривожланиш соҳасида, айниқса, жойларда ишбилармонлик муҳити паст даражада, шунингдек, инновацион ва муваффақиятли технологик лойиҳалар-стартлапларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш бўйича зарур кўникмаларга эга тадбиркорларнинг етишмовчилиги сақланиб қолмоқда;

**Тўртинчидан**, инновацион гоҳлар, ишланмалар ва технологияларнинг маълумотлар базаси мавжуд эмас, янги ресурсларни яратиш ва тажрибани бизнес-тузилмаларга ўтказиш амалиёти ривожланмасдан қолмоқда;

**Бешинчидан**, инновацион ишланмалар бозорини қўллаб-қувватлаш механизmlари суст даражада ишлаб чиқилган, инновацион гоҳлардан самарали фойдаланишни мувофиқлаштириш йўлга қўйилмаган, инновацион ишланмаларнинг сифати эса бозор талабларига жавоб бермайди;

**Олтинчидан**, инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартлаплар соҳасига техника олий таълим муассасалари битирувчилари ва иқтидорли ёшларни жалб этишга, шунингдек, бизнес-инкубаторларни яратишга лозим даражада эътибор қаратилмагани;

**Еттинчидан**, аҳоли ўртасида инновацион тадбиркорликни омдалаштириш ишлари самарали олиб борилмагани, инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишга ва илгари суришга жалб қилишда техник ва психологик тўсиқлар сақланиб қолмоқда.

(Давоми 2-бетда)

**XXI аср**  
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси томонидан қонун тарғиботи ва ижросига бағишланган сайёр йиғилиш ўтказилди.

Тошкент вилояти ҳарбий-маъмурий сектори ва Тошкент

ҳарбий округи кўшинлари кўмондонлиги ҳамкорлигида "Чирчиқ" умумкўшин дала-ўқув майдони базасида танк биатлон мусобақаларини ўтказишга мўлжалланган, халқаро стандартларга мос махсус майдон барпо этилди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти судининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг маданият саройида "Ҳадис шариф билимдони" мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Тадбир давомида томошабинлар ўртасида савол-жавоб викторинаси ҳам бўлиб ўтди.

Бухоро вилояти ҳокимли-

гида бир гуруҳ нурунийларга "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

Европа бозорига 2018 йилнинг биринчи чорагида энг кўп сотилган автомобиль Volkswagen Golf бўлди. Volkswagen компанияси энг кўп сотилган автомобиллар ўнталигида учта ўринни эгаллади. Бу билан компания ўз рақобатчиларини 55 мингта автомобилга ортга қолдирган.

Халқаро тадқиқот гуруҳи "Hubble" космик телескопининг инфрақизил спектрометри асбобидан фойдаланиб, Ердан 200 ёруғлик йили узокликдаги "WASP-107b" сайёрасида ге-

лий борлигини аниқлади. Ушбу сайёрада гелий водороддан кейин энг кўп учрайдиган элемент. Куёш тизимидаги Юпитер ва Сатурн сайёралари асосан гелийдан таркиб топган. Бунгача бошқа сайёраларда гелий борлиги маълум эмас эди.

Гаваядаги Килауеа вулкони бир неча ўнта уйни йўқ қилди. Оролда сув таъминоти ва йўллар зарарланган. Ўқув муассасалари ўз ишини тўхтатган. Оловли фавворалар қарийб 70 метр баландликка кўтарилди. Таъкидланишича вулконнинг отилиши минтақадаги сейсмик фаолликка боглиқ ҳолда юз бермоқда. Сейсмологларнинг кайд этишича, вулконнинг фаоллиги яқин орада тўхтамайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА  
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда фаол тадбиркорликни ривожлантириш, инновациялар бозорининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инновацион ишланмаларни иқтисодиётнинг реал секторига илгари суриш учун қўлай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг давлат-хусусий шериклик шартларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида инновацион лойиҳалар-стартлапларни ишлаб чиқиш, синавдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришни амалга оширувчи **Инновацион гоғлар, ишланмалар ва технологиялар марказларини** (кейинги ўринларда марказлар деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф маъқуллансин.

Белгилансинки, марказлар ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва ташкил этилган пайтдан бошлаб беш йил муддатга барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилади.

2. Қўйидагилар марказларнинг асосий вазифаларни этиб белгилансин:

ишлаб чиқариш ва хизматларнинг янги ва замонавий турларини яратиш мақсадида худудларнинг салоҳияти ва ресурс базаларини чуқур тадқиқ қилиш; инновацион гоғлар, ишланмалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида инновацион менежментни ривожлантириш;

янги ва талаб юқори бўлган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиш бўйича инновацион лойиҳалар-стартлапларни, жумладан, хорижда қўлланиладиган илғор услуб ва технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш, синавдан ўтказиш ва ўзлаштириш;

инновациялар бозорининг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар бозорларини шакллантириш, уларнинг бозор талабларига йўналтирилиши ва мослашиши учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

инвесторлар ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар истеъмолчиларини қидириб топиш ишларини, жумладан, инновацион инфратузилма субъектлари ўртасида кооперацияни ривожлантириш орқали ташкил этиш;

инновацион фаолиятни амалга ошириш масалаларини бўйича манфаатдор шахсларнинг кенг доирасига маслаҳат бериш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида инновацион гоғлар, ишланмалар ва технологияларни омаллаштиришга қаратилган реклама ва кўргазма тадбирларини ташкил этиш;

қўшма инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, стартлаплар ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалигининг устувор тармоқларидаги бошқа шериклар билан инновацион ҳамкорликни ривожлантириш;

инновацион фаолиятнинг ишлаб чиқилган ва муваффақиятли синавдан ўтказилган натижаларини илгари суриш ва тижоратлаштириш.

3. Марказларни ташкил этишда қўйидагилар давлат-хусусий шерикликнинг асосий шартлари этиб белгилансин:

марказларни ташкил этиш ва уларга тегишли инфратузилмани (транспорт боғламалари, автостанциялар, автобекатлар мавжудлиги ва ҳ.к.) қуриш учун зарур ер участкалари, бўш бинолар хусусий шерикларга ҳақ ундирилмасдан, истисно тарихида тўғридан-тўғри музокаралар асосида ажратилади;

марказ биноларини қуриш учун ер участкаларини танлаш белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

давлат ва хусусий шериклар тенглик асосида марказларнинг таъсисчилари сифатида иштирок этади; давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув марказлар давлат рўйхатидан ўтказилган қўндан бошлаб йигирма йил муддатга тузилади;

марказлар фаолиятининг йўналиши давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув амал қилишининг бутун муддати давомда сақланиб қолади;

марказларнинг интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказишга қилинган харажатларини қоплаш Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

давлат шериги иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этишни рағбатлантириш, жумладан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни давлат харидлари доирасида тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтириш бўйича шарт-шароитларни яратишга қўмаклашиш мажбуриятини олади;

давлат ва хусусий шерикларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, давлат-хусусий шерикликнинг бошқа шартлари давлат ва хусусий шериклар ўртасида Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгашининг розилиги билан тузиладиган келишувларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5308-сон Фармони билан қўйидагилар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари-стартлапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар;

венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартлаплар;

илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюрolari ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олинган даромадлар бўйича; янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар бу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.

Давлат ва хўжалик бошқарув органлари раҳбарларига уларнинг тармоқ ихтисосликларини ҳисобга олган ҳолда маблағлари марказларнинг тадқиқотлари ва ишланмаларини молиялаштиришга йўналтириладиган, жумладан, уларнинг устак капиталга кириш орқали корпоратив венчур фондларини ташкил қилиш тавсия этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

марказлар учун Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг инновацион лойиҳаларни молиялаштириш умумий ҳажмининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағларини захира қилиш назарда тутилди;

марказларни давлат-хусусий шериклик шартларида ташкил этишда давлат шериги сифатида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, бошқа давлат органлари, корхоналар ва ташкилотлар иштирок этиши мумкин;

хусусий лойиҳаларни танлаб олишнинг асосий меzonлари давлат шериги томонидан белгиланади;

келишув хусусий шериклар ташаббуси билан бекор қилинганда уларнинг марказларни ташкил қилишдаги харажатлари қопланмайди, қурилиши тугалланмаган объект давлат мулкига ўтказилади ва хусусий шерикларни қидириб топиш мазкур қарорга мувофиқ қайтадан ўтказилади;

марказларнинг қуриладиган биноларига барча зарурий ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини, коммунал инфратузилмаларни олиб келиш электр энергияси қисми бўйича – "Ўзбекэнерго" АЖ ҳисобидан, газ таъминоти қисми бўйича – "Ўзтрансгаз" АЖ ҳисобидан, телекоммуникация тармоқлари қисми бўйича – "Ўзбектелеком" АЖ ҳисобидан, автомобиль йўлларини қуриш қисми бўйича – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ҳисобидан, сув таъминоти, канализация ва автостанцияларни қуриш қисми бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан марказларни ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

марказларнинг бинолари фойдаланишга қабул қилингандан кейин маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қўлай транспорт йўналишлари ва йўловчи транспортининг бир қисми қабул қилинсин;

6. Тижорат банкларига марказлар томонидан инновацион гоғлар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда, жумладан, марказларга ва бошқа тад-

биркорлик субъектларига имтиёзли кредитларни ажратиш орқали кенг иштирок этиш тавсия қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси: икки ой муддатда потенциал инвесторларни қидириб топиш ва улар билан мазкур қарорда белгиланган давлат-хусусий шериклик шартларида марказларни ташкил этиш тўғрисидаги келишувларни тузиши; Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда марказларни ташкил этишда қатнашишга жалб қилиш, жумладан, грант ва ҳомийлик маблағларини ажратиш мақсадида халқаро ва хорижий ташкилотлар, молия институтлари вакиллари билан музокаралар ўтказиши;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида марказларга ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, жумладан, давлат харидлари доирасида тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтиришда ҳар томонлама қўмаклашадиган Марказлар ишланмаларини тижоратлаштириш ягона марказини ташкил этиш тўғрисида тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиши;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказишни таъминласин. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига мазкур қарор шартларини қўлаган ҳолда туман (шаҳар)ларда марказларни ташкил қилишга рухсат этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уч ой муддатда давлат ва хусусий шерикларнинг муражаатлари бўйича марказларни ташкил қилиш учун ер участкалари ёки бўш биноларни, жумладан, ўрта махсус, касб-хуна таълим муассасалари оптималлаштирилиши ҳисобига бўшайдиган биноларни ажратишни таъминласин ёхуд уларни намунали лойиҳалар бўйича қуриладиган давлат хизматлари марказлари биноларида жойлаштиришни назарда тусин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмуродов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,  
2018 йил 5 майЎзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА СОҶАЛАРИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ  
ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА  
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги йилига камда икки марта Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарларининг илмий-инновацион фаолиятини баҳолаш юзасидан ахборот киритади;

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг ўринбосари вазифасини бажарувчи А.Ю.Умаров илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш бўйича шахсан масъул ҳисобланади;

олий таълим муассасаларининг инновацион жамғармаларини (кейинги ўринларда – инновацион жамғармалар) шакллантириш инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришдан олинладиган даромадлар, олий таълим муассасаларининг иш ҳақи, стипендия тўлаш, шунингдек, бошқа жорий харажатлари қоплангандан кейин тўлов-контракт маблағларининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорини йўналтириш ҳисобига амалга оширилади.

Инновацион жамғармаларнинг маблағлари: илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни рағбатлантиришга; илмий-лаборатория ускуналари, сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлар сотиб олишга;

илмий-тадқиқот инфратузилмасини шакллантириш ва янгилашга, илмий ходимларни моддий рағбатлантиришга;

инновация фаолиятини билан боғлиқ бошқа харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

3. Қўйидагилар олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмаларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб ҳисоблансин:

бозорни тизимли равишда таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талабни ўрганиш, ўзини қоплаш муд-

датини, рентабеллик ва инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ хатарларни баҳолаш;

юқори тижорат салоҳиятига эга ва амалга оширишга тайёр бўлган, ўзлаштириш учун истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш; инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторлар, шериклар ва бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилиш; янги технологияларни жорий қилиш ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Белгилансинки, олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалари фаолияти инновацион жамғармалар маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари:

бир ой муддатда раҳбар ўринбосарларидан бирини инновацион ривожланиш масалалари бўйича масъул этиб белгилансин; ҳар йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишган ҳолда тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ миқдор ва манбаларини белгилаб, келгуси йил учун тегишли тармоқ ва соҳаларни инновацион ривожлантиришнинг "йўл хариталари" ишлаб чиқилишини, шунингдек, уларнинг самарали амалга оширилишини таъминласин.

5. Қўйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-5264-сонли Фармонида мувофиқ Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги ПК-3365-сонли қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича

комплекс чора-тадбирлар дастурини молиялаштириш манбалари этиб, тегишли қисмларда, бошқа манбалар билан бир қаторда Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгаши Жамғармага келиб тушадиган маблағларнинг, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга йўналтирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда 2017-2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг етишмаётган қисмида ўз вақтида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги устувор инновацион, илмий-тадқиқот, таъриба-конструкторлик, "стартлап" лойиҳаларини ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида молиялаштириш учун 2018 йилда Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига 50 миллиард сўм миқдорда бюджет маблағларини ажратсин ҳамда маблағларни ўзлаштириш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг асосланган тақлифларига кўра, Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари юзасидан тақлифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

грантлар асосида амалга ошириладиган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича давлат илмий-техник дастурларининг тизимли мониторингини, шу асосда мақсадли ишлатиладиган грант маблағларини бошқа истиқболли ва талаб

юқори бўлган мавзуга оид лойиҳаларни амалга ошириш учун қайта йўналтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилишни;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича давлат илмий-техник дастурларини молиялаштириш учун ажратилган ҳамда молия йили давомида ўзлаштирилмаган маблағлардан келгусида мақсадли фойдаланишни;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг долзарб йўналишлари бўйича мавзуга оид грантлар бериш юзасидан мунтазам равишда танловлар эълон қилишни амалга оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг хўжалик бошқаруви органлари ҳамда йирик давлат корхоналарининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармалари маблағларининг 0,1 фоизини Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириш ҳамда уларни келгусида инновацион гоғлар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга мақсадли ишлатиш тўғрисидаги тақлиф қабул қилинсин.

8. 2022 йил 1 январга қадар муддатда: белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан олиб кириладиган илмий асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, сарфлаш материаллари, реактивлар, дастурий таъминот божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно);

илмий-тадқиқот ташкилотлари уларнинг асосий фаолияти бўйича барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалардан озод қилинсин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ажратмалар бундан мустасно, бўшаётган маблағлар уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун мақсадли йўналтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,  
2018 йил 7 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ  
ТАЪМИНЛАНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

сунъий сув объектларида сувдан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши;

идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларда чорвачиликда наслчилик ишлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг, уларнинг эксплуатация қилиниши, сифати самарадорлигининг, сервис ва таъмирлаш хизматларининг техник ҳолати устидан назоратни амалга ошириши;

б) экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон экинлари, пахта хом ашёси, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини мажбурий давлат текширувидан ўтказиши;

в) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириши;

г) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Молия вазирлигининг:

Инспекция ҳузурда "Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази" давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлини устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Марказ томонидан Инспекциянинг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматлар солиқ солинадиган базага киритилмайд.

6. Белгилансинки:

а) куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ намуналар танлаб олиш ва маҳсулотни идентификациялаш;

кўрсатилган аккредитация соҳасига мувофиқ тарзда пахта толаси, пахта момиги, пахта ва қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари, шунингдек, дон ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар синовларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

мувофиқлик сертификати бериш, ўлчовлар бир хиллигини ва метрологик назоратни амалга оширишни таъминлаш ишларини бажариш;

пахта толаси ширадорлигини аниқлаш, пахта толаси ва момиги тойларни массаси назоратини амалга ошириш;

пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналари, пахта маҳсулотларининг харидорлари ҳамда бошқа ташкилотлар учун сертификатланадиган пахта маҳсулотлари ташқи кўринишининг стандарт намуналарини тайёрлаш, реставрация қилиш ва улар билан таъминлаш;

районлаштирилган ва истиқболли қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг нав софлигини тупроқдаги таҳлил орқали текшириш ҳамда натижаларини манфаатдор ташкилотларга юбориш;

б) Жамғарма маблағлари куйидаги манбалардан шакллантирилади:

Марказ даромадларининг 20 фоизи;

қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун Инспекция ваколатлари доирасида қўлланган жарима санкциялари умумий суммасининг 40 фоизи;

Инспекция ходимлари томонидан солинадиган жарималар миқдорларининг 50 фоизи;

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзи юрар машиналар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини техник кўриқдан ўтказиш, гувоҳномалар, рақам белгилари ва техник паспортлар бериш учун ундирилган йўғимлар миқдорларининг 80 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олиннадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

7. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлини устидан назорат қилиш инспекцияси марказий аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлини устидан назорат қилиш инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармаларининг, туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмалари 2 ва 3-илваларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлини устидан назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлини устидан назорат қилиш инспекцияси марказий аппарати, Агросаноат маж-

муи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлини устидан назорат қилиш инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари, туман (Қувасой шаҳар) бўлимлари ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари 6-8-илваларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлини устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси" 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Инспекция бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг чекланган сони 1 795 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси зарур ҳолларда, Инспекция ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкилий-штар тузилмаларига белгиланган умумий штар бирликлари доирасида ўзгартиришлар киритиши;

Инспекция ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг қўшимча штар бирликларини Жамғарма маблағлари ҳисобидан киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Белгилан куйилсинки, Инспекция:

Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган бошлик томонидан бошқарилади; ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳисобдордир.

Инспекция бошлиги мақоми, меҳнатига ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шартлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўринбосарига тенглаштирилсин.

10. Белгилансинки:

Инспекция таъминоти Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, шунингдек, тугатилаётган идоралар, муассасаларнинг 9 896 та штар бирлиги оптималлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг бўшаётган маблағлари ҳамда Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бунда иш ҳақи фонди ва мажбурий ажратмаларни оптималлаштириш ҳисобидан шаклланадиган иш ҳақи фонднинг тежалган суммаси Инспекциянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳамда бошқа харажатларига йўналтирилади;

Инспекция ходимлари лавозимларига олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахслар (ҳуқуқшунослар, агрономлар, иқтисодчилар, молиячилар, муҳандислар ва бошқалар) тайинланади;

Инспекциянинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа органлардан ишга қабул қилинган ходимларига даражали унвонлар бериш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ҳал этилади;

даражали унвонларга эга бўлган Инспекция ходимлари прокуратура органлари ходимлари ҳисобланади ҳамда уларга прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган имтиёзлар, моддий ва ижтимоий ҳимоя чоралари таътиб этилади;

Инспекция органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар уларнинг қонуний талабига кўра бепул тақдим этилади;

давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар мазкур қарорга мувофиқ Инспекцияга унинг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда ҳар томонлама кўмаклашиши шарт.

11. Инспекция:

2018-2019 йиллар давомида Жамғарма маблағлари ҳисобидан юқори малакали мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент кимё-технология институтини ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказларида янгидан тўлдирилган, шу жумладан раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича қисқа мuddатли курслар ташкил этилишини таъминласин, шунингдек, кейинчалик қайта тайёрлаш ва малака ошириш амалиётини ҳар уч йилда жорий этсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент кимё-технология институтини ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини билан биргаликда бир ой мuddатда ўқитишнинг интерфасол ва инновацион усулларини қўллашни, синов лабораторияларида, қайта ишлаш корхоналарида (заводларда) ва бошқа объектларда ўқув машғулотлари ўтказишни назарда тутган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат аграр университети, Тошкент кимё-технология институтини ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш учун аудиторлар ажратилиши ҳамда жиҳозланишини таъминласин.

12. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар томонидан Инспекция ходимлари зиммасига уларнинг ваколатига кирмайдиган вазифаларнинг юкланиши тақиқланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурату-

раси ва Молия вазирлиги:

бир ҳафта мuddатда Инспекциянинг штарлар жадвали ва харажатлар сметаларини тасдиқласин;

бир ой мuddатда зиммасига юклатилган вазифаларини лозим даражада бажарганлиги учун Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

14. Белгилансинки, Инспекция талабномалари бўйича:

"Ўзавтосаноат"АЖ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган меъёрларга мувофиқ хизматда фойдаланиш учун автотранспорт воситалари ажратилишини таъминлайди;

"Ўзбекнефтгаз" АЖ "Ўздавнефтгазинспекция" ДИ билан келишилган ҳолда хизмат ва махсус автотранспорт воситалари ҳамда генераторлар учун керакли хажмда автобензин ва дизель ёқилгиси ўрнатилган тартибда ажратилишини таъминлайди.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда тугатилаётган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат дон инспекцияси, Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси, Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси, "Ўзсувназорат" республика сув инспекцияси, "Ўздавуруғназоратмарказ" қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази, "Ўзстандарт" агентлигининг "Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификациялаш "Сифат" маркази" давлат корхонаси балансида турган ва улар томонидан фойдаланилаётган бинолар, иншоотлар ва бошқа моддий-техник қимматликлар, шунингдек, уларнинг тегишли маълумот базалари ҳамда реестрлари Инспекция балансига ўтказилишини таъминласин.

16. Инспекция Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Обиназир кўчаси, 109-ўйда жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Инспекция, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой мuddатда Инспекция ҳудудий тузилмаларининг тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш мақсадида уларнинг жойлаштирилишини, жиҳозланишини ташкил этсин ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал этсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси икки ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Инспекция ҳамда унинг ҳудудий бўлимларининг мебель, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва бошқа моддий-техника ресурсларга бўлган эҳтиёжини ўргансин ҳамда жиҳозланишини таъминласин;

Инспекция ва унинг ҳудудий бўлимларини юклатилган вазифаларнинг юқори ҳамда профессионал даражада бажарилишини таъминлай оладиган малакали кадрлар билан, шу жумладан тугатилаётган ташкилотлар ходимлари орасидан тўлдирилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар асосланган ҳисоб-китоблар бўйича ажратилишини таъминласин.

19. Инспекция Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахбороти юборилиши шарт бўлган реестрга киритилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси 2018 йил якунлари бўйича мазкур қарорни амалга ошириш самарадорлигини ўргансин ҳамда, зарурат бўлганда, Инспекциянинг фаолиятини ҳамда ташкилий-штар тузилмасини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини девонига тақлифлар киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 10-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

22. 2018 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 11-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

23. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**

**Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,

2018 йил 7 май

ФАХРИЙЛАР  
ДОИМО ЭЪЗОЗДА

**Иккинчи жаҳон уруши бизнинг дийримишга тўғридан-тўғри хавф туғдирмаган бўлсада, унинг олдини олиш учун навқирон ёшда бўлган йигит ва қизларнинг жасорати, фахрийларимиз хизмати туйғайли тинч, осуда юрда яшаб келмоқдамиз.**

Юрт ҳимояси учун жонини фидо қилишга тайёр бўлган, ўт-оловлар ичидан омон қайтган уруш қатнашчиларини, фахрийларини ҳар қанча эъзозласан ҳам кам. 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини байрам арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ешлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши вакиллари иштирокида харбий ўғналишдаги мактабларнинг ўқувчилари томонидан "Болалар харбий паради" ташкил этилди.

Амир Темур номидаги хиббонда тинчлик-фаровонлик, мусоффо осмон ҳамда озошлик учун курашган ота-боболаримизга ўз ҳурмат-эҳтиромини билдириш учун кўплаб юртдошларимиз ййғилдилар. Харбий парадада Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари фахрий меҳмонлар бўлишди. Парадада қатнашган харбий оркестр томонидан жаранг сочган кўйлар меҳмонлар ҳамда нуруний боболаримиз қалбига катта таассурот қолдириди.

"Болалар харбий паради" ўтказилишидан қўзланган асосий мақсад ёш авлодни харбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, она Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш ва албатта мамлакатимиз ривожини йўлида дахлдорлик ҳиссини янада кучайтиришдан иборат. Мазкур парадада Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим муассасаларидаги "Жасорат" клуби аъзолари ва харбийлаштирилган мактаб ўқувчилари ўзларининг широлари ҳамда саф кўшйқлари билан иштирок этдилар, жами 500 нафардан ортқ ёш 20 та блок бўлиб саф тортишди, баланд марраларни қўзлаган ва келажакка ишончи юқори бўлган, харбий соҳанинг өтук кадрлари бўлишни мақсад қўлиб сафланган турган ёшларни қўллаб-қувватлаш учун 700 га яқин ўқувчи-ёшлар ўз тенгқурларига қўзларига қувонч ва хавас билан боқишди.

Меҳмонлар эътиборига Яшнобод туманидаги 153-мактаб ва "Темурбеклар мактаби" ўқувчилари томонидан харбий кўшйқлар ва харбий марш намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари ва ййғилган меҳмонлар фахрийларимизга ўз миннатдорчиликларини билдириб, кириб келаятган байрам билан қўтлашди.

**9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан ўтказилаётган тадбирлардан яна бири Яшнобод туманида ўтказилди. Тумандаги намунавий харбийлар ва уларнинг оилаларига 540 та янги хонадонлар қалитларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.**

Янги уйларнинг қалитларини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Абдусалом Азизов топширди. Бу кун юзлаб харбийлар ва уларнинг оилалари учун бахт-саодат, шоду хуррамлик ва чексиз қувончга тўла кун бўлди. Яқин қўнларга яна умуман ободонлаштирилмаган ҳудуд бугун янги харбий шаҳарчага айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманига ташириш чоғида мазкур ҳудудни ободонлаштириш ва шу ерда харбий шаҳарча қуриш зарурлиги тўғрисида фикр билдирган эди. Қисқа вақтда "Олмос" маҳалласида 18 та 5 қаватлик кенг ва қулай хоналарга эга уйлар қурилди.

Бундан ташқари, яқин орада харбий шаҳарчада мактаб, поликлиника ва болалар боғчаси каби маъмурий объектлар барпо этилади.

Айтиб ўтиш жоизки, замонавий харбий шаҳарча қурилишининг биринчи босқичи битирилди ва иккинчи босқич бўлиши 900 та хонадонга мўлжалланган 30 та 5 қаватли уйларнинг қурилиши бошлаб юборилди.

Лойиҳанинг ўз вақтида битирилиши ва хонадонларнинг янги эгаларига топширилиши Тошкент шаҳар ҳокимлиги назорати остида бўлиб ўтмоқда.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**  
**Ахборот хизмати**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Яшнобод тумани Корасув кўчасидан 2-Корасув ва Эпбек кўчалари бўйлаб Дўстлик метро бекатига бўлган ҳудудда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖга ер усти темир йўл қурилиш-монтаж ишларини бажариши юзасидан, 2018 йил 10 май кунидан 2019 йил 31 январга қадар барча турдаги транспорт воситалари харакати вақтинчалик чекланишини маълум қилади.

Барча турдаги транспорт воситалари харакати чекланган кўчаларни айланб ўтиш учун жамоат транспортининг харакати йўналишларига вақтинчалик ўзгартиришлар киритилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги "Тошкент шаҳрида икки йўллик электрлаштирилган теъорер темир йўлини қуриш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ўшбу темир йўл қурилиш-монтаж ишларини бажаришда юзага келадиган вақтинчалик ноқулайликлар учун йўл харакати иштирокчилардан ўзр сўрайди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, йўлларда ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида олиб борилаётган бунедкорлик ишлари жараянидаги ўшбу вақтинчалик ноқулайликларни тўғри тушунасинг.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

Шайхонтоҳур тумани 316-сонли мактаб томонидан 2005 йилда Ганиев Рустамжон Ғайратовичга берилган U № 1523680 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Учтепа тумани 229-сонли мактаб томонидан 2005 йилда Пулатов Расулбек Раимбековичга берилган U № 1551132 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Mega-investment plus mikroredit tashkiloti" ММҲ (ИНН 207134494) устав фонди 7 320 020 660 сўмдан 6 874 305 318 сўмга камайtirилганлигини маълум қилади. Эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади. Тел: 237-32-91.



### ЁШ ИҚТИДОР ЭГАЛАРИНИ НУФУЗЛИ ТУРНИР КУТМОҚДА

Юртимизнинг амалдаги чемпиони "Локомотив" футбол клуби бир неча йилдан буён шахримиздаги 23-сонли Мехрибонлик уйи билан ҳамкорлик қилиб келаётгани мухлисларга маълум.

Темирўлчилар ушбу муассасага тез-тез ташриф буюриб, футбол сирларини ўрганмоқчи бўлган келажагимиз ворислари билан суҳбатлар уюштиришади, тарбияланувчиларга мастер-класс намойиш этишади, совға-саломлар ҳам улашишади.

Жорий йилги мавсумдан 23-сонли Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари "Локомотив" профессионал футбол клуби номидан футбол бўйича Тошкент шаҳар ҳаваскорлар лигасида иштирок эта бошлашди. Иқтидорли йигитларни камолга етказётган бу жамоа жорий йилнинг кузидан бошлаб футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги биринчи лигасида ўз иштирокини бошлади. Дарвоқе, жорий йилнинг 10-18 май кунлари Россия пойтахти Москва шаҳри Мехрибонлик уйлари жамоалари ўртасида ташкиллаштирилган жаҳон чемпионатига мезбонлик қилади. Ушбу нуфузли турнирда юртимиз шарафини айнан 23-сонли Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларидан таркиб топган жамоа ҳимоя қилади. Айни кунларда ушбу Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари Москвада уюштирилган жаҳон чемпионатида жиддий тайёргарлик кўришмоқда. Пойтахтимизда ҳар кун ўқув-машулот йиғинида маҳоратларини ошириб бораётган жаҳон чемпионати иштирокчилари ҳафта сўнгиде Тошкент шаҳар ҳаваскорлар лигаси ўйинларида майдонга чиқишмоқда.

Айтиш жоизки, жамоанинг барча аъзолари "Локомотив" профессионал футбол клуби логотиплари туширилган экировка ҳамда спорт анжонлари билан тўлиқ таъминланган. Кунни кеча "Локомотив" стадионида жамоа ҳамда клуб раҳбарлари иштирокида уюштирилган тадбирда жаҳон чемпионатида иштирок этадиган иқтидор эгаларига клуб мутасаддилари омад тилашди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Тошкентдаги Гёте институти билан ҳамкорликда "Асалари Мая саргузаштлари" деб номланган китобнинг тақдими бўлиб ўтди.

### БОЛАЛАР УЧУН САРГУЗАШТ КИТОБ

Немис ёзувчиси Вальдемар Бонзельснинг 1912 йилда ёзилган ушбу саргузашт асари ҳозирга қадар қирқдан зиёд давлатда чоп этилган. Шу асосда ишланган мультфильмни кичкинтойлар севиб томоша қилади.

Китобда Мая исмли асаларининг бошидан ўтказганлари, унинг зукколиги, топқирлиги, ўзини

тутуши, мушкул вазиятлардан чиқиб кета олиш маҳорати, тўғрисиқлиги, меҳрибонлиги, рост-гўйлиги билан боғлиқ воқеалар баён этилган.

М.Ақбаров томонидан ўзбек тилига таржима қилинган ушбу китоб республикамиздаги умумтаълим мактаблари ҳамда болалар кутубхоналарига тарқатилади.

### БИЛИМ ВА ТАФАККУР БАҲСИ

Тошкент давлат юридик университети талабалари ўртасида "Энг фаол китобхон гuruh" маънавий-маърифий кўрик-танлови ўтказилди.

Танлов Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Юртимизда китобнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини тарғиб қилиш орқали ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, мустақил ва эркин фикрга эга истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлашга ало-

қиди эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Китоб инсонга маънавий озуқа бериш билан бирга, унинг онги, идроки, тафаккурини ривожлантиради. Шу боис ёшлар фаоллигини ошириш мақсадида мамлакатимизда китобхонликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қатор тадбирлар, анжуманлар, кўрик-танловлар ташкил қилинаётир. Натижада ёшлар ўртасида китоб муталоасига қизиқиш тобора ортмоқда. Буни "Энг фаол китобхон гуруҳи" танловидан ҳам билса бўлади.

Кўрик-танловда 5 жамоа иштирок этди. Иштирокчилар ўзини таништириш, ўрганилган бадиий асар тарғиботи, асарлардан лавҳалар келтириш, сахна кўринишлари намойиш этиш сингари беш шарт бўйича баҳшланди. Жамоаларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Мусобақада 1-босқич талабаларидан иборат "Ворислар" жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Жамоа аъзоларининг ҳар бирига смартфон телефонлари совға қилинди.

(ЎзА)

### "101" МАҚСАДИМИЗ ЁНГИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг тармоқлари томонидан юртимизда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг олдини олиш мақсадида қатор ишларни амалга оширишмоқда.

Хусусан, Яшнобод тумани ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамжихатлик билан меҳнаткаш халқимиз ҳаёти, мол-мулкни ёнгинлардан сақлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда "Ёнгинлар профилактикаси кунини"да фаол қатнашмоқда.

Навбатдаги тадбир тумандаги "Кўйликбод" маҳалласида ҳам ўтказилди. Тадбир давомида маҳалла ҳудудиде жойлашган 222 та шахсий ва 2 та кўп қаватли уйлардаги 16 та хонадонларнинг ёнгинга қарши ҳолати ҳар томонлама текширилиб, фуқароларга ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш муҳимлиги ҳақидаги эслатмалар тарқатилди. Маҳалла аҳолиси билан ўтказилган учрашув давомида ёнгинларнинг аянчи оқибатлари ҳақида гапирилиб, "тилсиз ёв"нинг ортидан келиб чиқадиган кўнгилсизликлар ахс эттирилган видеоролик ҳам намойиш этилди.

Тоҳир ИСМОИЛОВ, Яшнобод тумани ЁХБ кичик инспектори

Инсоният ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнгин бўлиб, у қай тарзда юзга келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изларини қолдиради.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар биналарида содир бўлган ёнгинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодийга ҳам салбий таъсир этади.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар бири ёнгинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкilotлар биналарида, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзimasдек туялган носозликлар ҳам ёнгинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим. Тинч-осойишта ҳаёт кечирish учун қоидаларга амал қилайлик.

Зоир МУСТАФОЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 1-сон пансионатининг ЁХБ инспектори

Ўғил-қизларимизга ёнгин содир бўлганда тўғри хатти-ҳаракат қилиш ҳақида тушунчалар бериш муҳим масала ҳисобланади.

ИИББ ЁХБ, ИИББ ЁХБ ходимлари, Республика тезкор ҳаракат хизмати, ёнгин ўчириш амалий спорт федерацияси, "Ёнгин хавфсизлиги" журналы таҳририяти ва Тошкент шаҳар Яқасарой тумани ЁХБ билан биргаликда 100-умумтаълим мактабиде кўргазмали ёнгин-техник ўқув машқлари ўтказилди.

Ҳақиқий шартношларга яқинлаштириб ўтказилган тадбир жараёнида ёнгин ўчириш қисмларини мактабнинг педагогик таркиби билан ўқувчиларни эвакуацияси вақтида ўзаро ҳамкорлиги ўрганиб чиқилди ва кўп болалар тулганган жойларда ёнгин содир бўлганда унга нисбатан ёнгин ўчириш қисмининг ҳаракати, куч ва воситаларнинг тайёргарлиги текширилди.

Тадбир бошланишида Яқасарой тумани ЁХБ инспектори, сержант Фарҳод Юнусов, "Ёш ўқувчи" ва "Лидер ресурс" клублари аъзолари орасида ёш ўқувчиларнинг "Ёнгин хавфсизлиги" мавзусида интерактив викторинаси ўтказилди.

Шундан сўнг, таҳмин қилинган воқеалар режасига асосан, соат 10:56 да "101" ёнгин хавфсизлиги хизматининг пультага электр симларининг қисқа туташуви натижасида "шартли" ёнгин содир бўлганлиги тўғрисида хабар келди. Қўшни хонадонлар махсус генератор ёрдамида хавфсиз тутун билан тўлдирилди. "Ёнгин" қўшни ўқув кабинетларида тез тарқала бошлади ва унинг асосий шикастловчи омиллари – юқори ҳарорат, захарли тутун ва ис гази билан тўлди. "Ёнгин хавфи" сигнали янграганидан сўнг ўқувчилар ва мактаб ходимлари мавжуд эвакуация режаси асосида босқичма-босқич мактаб биносини тарқ этдилар. Бошланғич синф ўқувчиси Лазоқат Султонова эвакуация жараёнида қизиқарли услубни қўллади – болаларни арқонга ушлаб қўйиб, занжир қилиб олиб чиқди. Машқ жараёнида хавфсиз ҳудудга ва йиғилиш жойига олиб чиқиш учун сарфланган вақт белгиланди. Йиғилиш жойида ўқувчилар рўйхат бўйича болаларни текширидилар. "Ёнгин" чиққан жойга етиб келган ёнгин ўчирувчилар ҳеч қим жабрланмаганлиги, 445 ўқувчи ва 28 ўқувчи эвакуация қилинганлиги ҳақида маълумот берилди.

Етиб келган ёнгин ўчирувчи қисм жанговар тайёргарликни намойиш этиб, шартли равишда "ёнгин" чиққан жойга ўт ўчириш воситаларини етказдилар. Болалар ва уларнинг мураббийлари қизиқиш билан "ёнгин" ўчириш бўйича олиб борилаётган ишларни кузатдилар. Машқулотлар даврида ЁХБ ходимлари эвакуациянинг захира йўллари, ёнгинга қарши сув таъминоти тизимини, мактабга кириб келиш йўллари текширилди.

Ёнгин даврида инсонларни ўз вақтида эвакуация қилиш – ёнгин хавфсизлигининг мажбурий талаби. Ёнгин содир бўлганда ҳаракат тартиби ва меъёрлар, зарурий қоралар бўлиб, хавфли вазиятларда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олади. Ўқув эвакуация – содир бўлиши мумкин бўлган фақуллода вазиятлар оқибатларидан ҳимояланишнинг энг унумли чорасидир. Ёнгин – шартли, тайёргарлик – ҳақиқий.

Муслима РАҲИМОВА, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ катта муҳандиси, майор, Ўтқир САБИРОВ, сержант

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"М.Улугбек тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Курбанов Дилшод Бахтиярович номига М.Улугбек тумани, Ф.Ходжаев кўчаси, 41-уй, 2-хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ - 31-33 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 9 майда Тошкент шаҳрининг 06-ҳаво шaroити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади. Тошкент шаҳрида 9 май кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи

### Қилмиш – қидирмиш

Фарруҳжон Бахтиёров 25 ёшда. Вақтинча ишсиз. Кейинги пайтда кўп ичадиган одат чиқарди. У 2017 йил 29 декабрь кунини ичиб олиб, кеч соат 21.00лар атрофида Сергели тумани Жунарик кўчаси 27-уйда яшовчи Дилмурод Халиқов хонадонига боради.

### ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

Қараса, уйда ҳеч қим йўқ. Ҳовлида 1992 йилда ишлаб чиқарилган "Ваз 2106" русумли машина турибди. Эшикни очиб кўрди. Қулфланмаганлиги учун тез очилди, калити ўзида. Дилмурод машинани итариб гараждан секин олиб чиқди. Ҳеч қим сезмади деб ўйлади. Шундан сўнг уни ўт олдириб, номаълум томонга ҳайдаб кетди...

Аслида бу воқеани Дилмуроднинг хотини Назоқат Валиева кўрган эди. У аввалгига эрим машинани қайтадир ҳайдаб кетди, деб ўйлади. Уйига кириб қараса, эри ухлаб ётибди.

— Туринг адаси, машинангизни қимдир ҳайдаб кетди, — деди эрини уйғотаркан.

Дилмурод унингдан туриб, машинани қим ҳайдаб кетиши мумкин, дея ўйлаб барча танишларига кўнғирок қилди. Бирок, натижа чиқмади. Бу воқеадан хабар топган Дилмуроднинг отаси Абдуманноп ака ички ишлар идораларига кўнғирок қилиб, машинани қимдир олиб қочгани ҳақида хабар берди. Шундан сўнг бу иш бўйича ички ишлар ходимлари суриштирув ишларини бошлаб олборди. Орадан бирон соат вақт ўтиб, йўл патруль хизмати ходимлари томонидан машина топилганлиги ҳақида хабар берилди. Маълум бўлишича, машинани Д.Халиқовнинг шоғирди Ф.Бахтиёров олиб қочган экан. Эссиз, шоғирди бўлиб иш ўрганаётган одамдан шундай ноқўрлик қилиши мумкинлиги қимнинг ҳаёлига келибди.

Суд мажлисида Ф.Бахтиёров айбига тўлиқ иқдор бўлди. Унинг сўзлаб беришича, ҳақиқатан ҳам 2017 йил 29 декабрь кунини Х.Матчионовнинг телефонидан Д.Халиқовга кўнғирок қилиб, автомашинасини бериб туришини сураган. Хонадонга келса, уй чироклари ўчк. Машина очик турибди. У машинани кўчага итариб олиб чиқиб, ҳайдаб кетган вақти йўл патруль хизмати ходимлари томонидан ушланган.

Шу ўринда айтиш ўринлики, агар у Д.Халиқовнинг уйига бориб, машина кераклигини айтганида, машина эгаларини бундан хабардор қилганида эди вазият бунчаликча бориб етмасдику!

Судланувчи Фарруҳ Бахтиёров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томони-

дан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарорнинг 4-бандида "Қонун тайинлангандан ҳазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объект ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйилганлиги тўғрисида судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт" деб белгилаб қўйилган.

Суд Ф.Бахтиёровга жазо тури ва миқдорини тайинлашда юқоридеги Пленум қарори талабларига амал қилган ҳолда маст ҳолатда жиноят содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, ёшини, оилавий аҳолини, буйдоқлигини, маҳаллада ижобий хулқ-атвори билан танилганлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, "Қумарик" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан судланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишига қадиллигини билдириб берган қафолат хатини ҳамда жиноят хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, у айбл деб топилганда маҳрум қилиш жазосини доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ва тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳуқуқини назорат қилиш орқали алоққан тузатиш мумкин деган катъий фикрга келди. Айбланувчига нисбатан ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, шартли ҳукми қилишни лозим деб топди.

Суд Ф.Бахтиёровни ЖКнинг 267-моддаси 1-қисми билан айблаб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини берди. Унга ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган жазо шартли ҳисобланбди, 1 йил синов муддати белгиланди. Синов муддати мавойинида Ф.Бахтиёров яшаш ва иш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриши, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриши, муайян жойларда бўлмаслик мажбуриятлари юклатилди ва ЖКнинг 72-моддасининг 6 ва 8-қисмларида кўрсатилган оқибатлар тушунирилди.

Шўхрат БАКАЕВ, жиноят ишлари бўйича Сергели тумани суди раиси

### ҲАР БИР ИНСОН МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг аҳамияти, мақсад ва моҳиятига бағишланган анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Б.Юсупалиев ва бошқалар мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд қисмини манзилли ҳимоялаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналиши эканини таъкидлади.

БМТ Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Афшин Парси мазкур ҳужжат ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий, маънавий, моддий асосларини янги босқичга кўтаришини айтди. Ушбу халқаро ташкилот Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахсларга кўмак кўрсатиш юзасидан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда алоҳида эҳтиёжли фуқароларга тиббий, ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўғалар парваришига муҳтож кексалар, пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахсларга уйларида ижтимоий хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилди. Эҳтиёжманд фуқаролар реабилитация техник воситалари, протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди. Имконияти турлича бўлган шахсларнинг бемалол ҳаракатланиши учун бино ва иншоотларда пандус ва тутқичлар ўрнатилмоқ-

да. Пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахсларни санаторияларда соғломлаштириш, алоҳида эҳтиёжли шахсларга реабилитация хизматлари кўрсатишга эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурда Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилиши ижтимоий соҳадаги изоҳлотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Жамғарма маблағлари ногиронлиги бўлган шахсларга кўмак бериш, инклюзив таълимни ривожлантириш, реабилитация сифатини ошириш ва бошқа тиббий-ижтимоий лойиҳаларга йўналтирилади.

— Ногиронлиги бўлган шахслар ва кексалар доимий тиббий-ижтимоий кўмакка эҳтиёж сезади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Алишер Иноков. — Улар соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида юртимизда 11 та реабилитация ва протезлаш маркази, 8 та санатория мавжуд. Шунингдек, 33 та Мурувват ва Саховат уйлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур муассасалар тузилмасини модернизациялаш, соҳага илғор техника ва технологияларни жорий этишга эътибор қаратилмоқда.

Н.УСМОНОВА, ЎзА муҳбири

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълолар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъхонаси, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй